# ТАЛАБАЛАРГА КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИЯСИ

***Истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлат томонидан ёш авлодни баркамол инсон этиб вояга етказиш асосий масалалардан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Дарҳақиқат, ёшларни бой миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаш халқимиз ўз олдига қўйган юксак мақсадлар сари олиб борувчи энг саодатли йўлдир.***

Бугунги кунда ўз сафида 24 минг нафарга яқин ўқувчи ва талабаларни бирлаштирган Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари томонидан ёшлар билан ишлаш, улар маънавиятини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Асосий эътибор ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ташаббускорлик ва изланувчанликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ушбу йўналишда сўнгги йилларда турли давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкил этиш ишлари анча самарали бўлмоқда. Жумладан, вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган «Дилингни оч, талаба!», «Талабалик - олтин даврим», «Жиноятчиликнинг илдизи қаерда?» мавзуларидаги тадбирларда тармоққа қарашли олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари фаол қатнашишди. Ушбу давра суҳбатларида ёшлар муаммолари, уларнинг сабаб ва оқибатлари хусусида баҳс-мунозара юритиб, уларни ҳал қилишда ёшларни ўрни қандай бўлиши кераклиги тўғрисида фикрлашдилар. Шунингдек, турли соҳа вакиллари, ҳуқуқ тартибот ва диний идоралар ходимлари, олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай тадбирлар илгаригидек номигагина ўтмаяпти. Уларда ёшларнинг бу борадаги мулоҳазалари инобатга олинмоқда. Шу боис ҳар бир тадбирдан сўнг ёшлар янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар, жамоат ишларида уларнинг фаоллиги сезиларли даражада ўзгармоқда.



Касаба уюшмалари бундан ташқари, ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришга қаратилган қатор чораларни амалга оширмоқдалар. Бу борада давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўрнатилаётган ўзаро ҳамкорлик ҳам ижобий натижа бермоқда. Масалан, «Маънавият ва Маърифат» марказлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Вилоятда ҳар ойда ташкил этилаётган Маънавият кунлари касаба уюшмаларининг бу борадаги ишларини ривожлантиришга кўмаклашаяпти.

Талаба ва ўқувчи ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Марказий қўмита томонидан кам таъминланган, аълочи ва фаол талабалар учун таъсис этилган махсус устама стипендиясига Бухоро Давлат Университетидан 2 нафар, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидан 1 нафар иқтидорли талаба сазовор бўлган бўлса, кейинги йилларда вилоят қўмитаси томонидан ҳам шундай махсус стипендиялар таъсис этилиб, 14 нафар талабага 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб бериб келинмоқда. Худди шундай иш яқиндагина тузилган вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳам амалга оширилмоқда. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб бирлашган касаба уюшма қўмитаси 11 нафар кам таъминланган аълочи ва фаол ўқувчиларга махсус устама стипендиясини бериб келмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳам тармоқ касаба уюшмамиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада ўқув юртларида тузилаётган жамоа шартномаларининг мазмун-моҳиятига чуқур эътибор қаратиляпти. Айниқса, талабалик сафидан чиқариш, стипендияларни ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминлаш масаласида касаба уюшмалари олдига қатъий талаблар қўйилмоқда. Вилоят касаба уюшма қўмитасининг аралашуви билан сўнгги йилларда ноҳақ талабалик сафидан чиқарилган қатор талабалар ўқишга тикланди.

**Б.УМАРОВ,**
**Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**





Қарши шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежида 501 нафар талаба илм ва ҳунар ўрганишади. Унда 10 та касб-ҳунар бўлими мавжуд бўлиб, талабалар учун барча шароитлар етарли.

Тикиш-бичиш бўлимида таълим олаётган талабалар цехда Германиядан келтирилган замонавий «Bernette» ва «Bernina» тикув машиналарида ишлашмоқда. «Каштекст» қўшма корхонаси ва «Санам» фирмаси билан ҳамкорликда спорт кийимларини тикишни йўлга қўйишди. Яқинда Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод – 2003» спорт мусобақаларида қатнашган қашқадарёлик спортчилар учун махсус спорт формалари ушбу цехда тикилди. Қисқаси, цехда тикилаётган спорт кийимлари фабриканикидан асло қолишмайди.

**Суратларда: цех устаси Г.Муҳаммадиева шогирди Ҳ.Хусаинovага тикиш сирларини ўргатмоқда; тикув цехида.**

**Ш.ШАРИПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# МАНФААТДОРЛИК – УНУМДОРЛИК ОМИЛИ

*Ислоҳот – инсон учун*

Амалга оширилаётган ишларнинг самарасини белгилашда асосий мезон, фикримизча, ишчиларнинг манфаатдорлик даражаси бўлиб қолиши керак. Иштихон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раҳбариятининг фикри ҳам худди шундайлиги бизни қувонтирди.

Хўжалик меҳнаткашлари мунтазам равишда шартномавий режаларни уддалаб келишмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ. Лекин негадир иш ҳақидан қарздорлик вужудга келиб қолган. Бир қатор ижтимоий масалалар ҳал этилмаган. Бу йил иш бошлаган янги раҳбарият дастлабки кунларданоқ ана шу масалаларни ҳал этишга киришди.

– Меҳнат қилиб, манфаатдорлик кўрмаган одамларнинг қўли ишдан анча совиб қолган экан, - дейди хўжалик раиси Асад Фозилов. – Буни бартараф этиш имкониятларини излаб топдик. Вазиятдан чиқиб кетдик, дея олмайману, лекин ҳар ҳолда одамларни ҳақ олишларига ишонтирдик. Далаларда иш қизиб кетди. Деҳқонлар сидқидилдан меҳнат қилишаяпти. Акс ҳолда бу йилги серёғин баҳор шароитида ниҳол ундириб олишнинг, ғаллани бегона ўтлардан асрашнинг ўзи бўлмасди. Манфаату меҳнат туфайли бу йилги ҳосилга замин тайёрлаб олдик.

Бундан ташқари, иш шароитларини яхшилаш мақсадида техника парки, устахоналар таъмирланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тракторчиларга, таъмирчи усталарга, заҳарли моддалар билан ишлайдиганларга махсус кийимлар, ҳимоя воситалари олиб берилди. Айни вақтда касабақўм хўжалик аъзоларининг таклифларини ўрганиб, биринчи галда ҳал этиладиган масалалар инобатга олинмоқда. Шу билан бирга мавсумда юқори натижаларга эришадиган пудрат жамоаларини, пиллачиларни, ғаллакорларни, пахтакорларни рағбатлантириш тадбирлари белгиланган.

Хуллас, хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси бу йил деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада оширишга бел боғлаган. Хусусан, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш биринчи ўринга қўйилган.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Бу йил 52 минг тоннага яқин ғалла ҳосилини йиғиштириб олишни ният қилган Бекобод туман ғаллакорлари пойтахт вилоятида биринчилардан бўлиб, ўрим-йиғим ишларига киришдилар. Айни пайтда далаларда ўндан ортиқ комбайнлар ишлаб турибди.***

## БИРИНЧИ ЎРИНГА 100 МИНГ СЎМ

Туман машина-трактор парки маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ғалла ўримида алоҳида ўрнак кўрсатган комбайнчилар, экипаж аъзолари, кўчма таъмирлаш устахоналари созловчиларини рағбатлантиришни назарда тутишган. Чунки мавсумни тез ва сифатли туғаллаш меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатларига, техникаларнинг шайлигига, энг муҳими кўтаринки кайфиятга кўп жиҳатдан боғлиқ.

— Касаба уюшма қўмитаси бизларни юқори унум билан ишлашимиз учун ҳамиша ғамхўрлик кўрсатмоқда, - дейди илғор комбайнчи Давронбек Эргашев. — Шу боис, биз янада яхши ишлашга ҳаракат қилаяпмиз. Мавсумда энг юқори натижага эришган комбайнчига 100 минг сўм, иккинчи ўрин 80 минг, учинчи ўринга эса 50 минг сўм пул мукофоти топширилади. Бундан ташқари, яхши ишлаганларга республикамиз сиҳатгоҳларида дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун бепул йўлланмалар ажратиш кўзда тутилган.

**Т.УСМОНОВ**

Пахтакор туманида ёш авлодга таълим-тарбия бериш бўйича бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ҳамда боғчаларда таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Суратда: туман халқ таълими бўлими мудираси Насиба Мавлонова соҳа фаоллари билан келгуси режалар хусусида фикрлашмоқда.**

**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**



# ЭРТАНГИ КУНГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

«Сирдарётелеком» филиалида эришилаётган ютуқларда малакали мутахассислар хизмати бекиёс. Албатта, бунда ходимлар билими катта ўрин тутади. Буни назарда тутган маъмурият кучли кадрлар тизимини яратиш, улар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, корхонада барча жиҳоз ва техник ускуналар билан таъминланган ўқув маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Амалий машғулотларда вилоят алоқа тизими корхоналарида фаолият юритаётган муҳандис-техник ходимлардан тортиб, оддий электромонтёргача иштирок этишади.

— Бу усул тизимда кадрлар қўнимсизлигига барҳам берди, - дейди алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Эркин Турдибаев. - Чунки ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши билан биргаликда, билими ҳам ошаяпти. Бир мисол. Ўқув маркази қошида компьютер техникаси, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосини ўргатиш курслари ишлаб турибди. Ҳар бир ходим хоҳишига кўра уч ой ичида бу ерда билимларини мустаҳкамлаши мумкин. Нимага деганда, тизим корхоналари фаолияти такомиллашган сари ўқиб-ўрганишга кўпроқ зарурат туғилаяпти. Шу боис соҳада фаолият юритаётган ҳисобчи-иқтисодчи ва кадрлар хизмати ходимларининг қисқа кунлик семинар тренинглари ташкил этилган. Туман ва қишлоқ алоқа бўлимларидан ташриф буюрган алоқачилар бепул ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминланади. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ходимлар имкониятини кенгайтириш, улар қобилиятини юксалтиришга доимо бош-қош бўлиб келишаяпти.

Асримиз ахборот асри эканлигини ҳис этган тизим маъмурияти бу борадаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга доимо шай. Шу боис муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш, улар билимини, дунё қарашини чуқурлаштириш мақсадида пойтахтдаги бир қатор ўқув даргоҳлари ва олийгоҳлар билан алоқа боғлаган. Кадрлар захирасини вужудга келтириш, билимли ёшларни тарбиялаш мақсадида 34 нафар талаба тизимга тааллуқли олийгоҳ ва коллежларда корхона ҳисобидан таҳсил олдирилаяпти. 76 нафар сирдарёлик ёшлар эса алоқачилик касби сирларини эгаллаш арафасида турибди.

Бир сўз билан айтганда, соҳада эртанги кунга мустаҳкам пойдевор яратилаяпти. Кадрларни тарбиялашда ўқув маркази муҳим ўрин тутиб келаяпти. Бу эса тармоқда депсиниш, турғунлик соя солмаслигидан далолатдир.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# СИРДАРЁ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Сирдарё вилояти пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарди. Қабул пунктларига 350 тонна пилла топширилди.

Бу муваффақиятга Сирдарё, Сайхунобод, Боёвут ва Гулистон туманлари пиллакорлари катта ҳисса қўшди. Айниқса, «Синдаробод», Амир Темур, Қ.Султонов номли, «Пахтакор» ва бошқа хўжаликларнинг «кумуш тола» миришкорлари юқори ҳосил олишга эришди. Бу ерда ҳар қути қурт уруғидан 60-65 килограмм қимматли саноат хомашёси олинди.

**(ЎзА)**

# ТЎРАЧИЛИК, ТАЪМАГИРЛИК

## ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ ЭНГ КАТТА ҒОВ

***Қашқадарёда 24611 та тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларда 85,1 минг нафар ходим ишламоқда. Бир йилда тармоқдан олинган ялпи даромад 22,7 миллиард сўмга етди.***

***Воҳа иқтисодиётида юз берган таркибий ўзгаришлар натижасида янгитдан 7875 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, иш ўринлари 40 мингтага кўпайди. Бироқ, кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётган талаблардан орқада қолаяпти.***

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика кенгашининг фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатлар тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва имтиёзли кредитлар бериш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Аммо иш жараёнида тадбиркорлар кўплаб муаммоларга дуч келишмоқда. Вилоятдаги кичик корхоналардан 342 таси белгиланган муддатда устав жамғармасини шакллантира олмаганлиги ва етарли пул маблағларига эга бўлмаганлиги сабабли тугатиб юборилди.

Кишини ўйлатадиган томонлари кўп. Масалан тадбиркорликни йўлга қўйишда амалдаги қонун талаблари бузилаётганлиги, улар маблағларининг турли жамоатчилик жамғармаларига жалб этилиши, турар-жой бинолари, таълим муассасалари ва дам олиш уйларини таъмирлаш мажбурияти юкланиши, тижорат банклари томонидан маблағларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисоб рақамларига ноқонуний ўтказилиши ишбилармонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, жойларда тадбиркорларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини бузиш ҳоллари давом этмоқда. Ғузор туманидаги «Беш оғайни» фермер хўжалиги раҳбари А.Каримовнинг айтишича, МТП туман бўлими унинг ерини шартномада белгиланган муддатда шудгорлаб бермаган. «Эрназар бобо» фермер хўжалигининг «Кимётаъминот» корхонасидан 400 минг сўм қарзи бўлгани ҳолда, унинг 930 минг сўм маблағи раҳбарнинг имзосисиз тўғридан-тўғри ўтказиб юборилган. «Озода» фермер хўжалиги бошлиғи Х.Омонов туман нефт маҳсулотлари идорасидан ўзига ажратилган ёқилғини вақтида ололмаётганлигидан норози. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бошқача айтганда, тўрачилик, таъмагирлик, буйруқбозлик, текшириш устига текшириш, шартнома шартларининг бузилиши кичик ва ўрта бизнес ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Республика адлия вазирлиги томонидан сўров шаклида ўтказилган тадқиқотда вилоят шаҳар ва туманларидан 800 нафар тадбиркор иштирок этди.

Сўровда қатнашганларнинг 33,5 фоизи тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш учун бир ойдан бир йилгача вақт сарфлаган. Банкда ҳисоб рақами очиш, газ ва сув тармоғи, электр энергияси ва иссиқлик манбаига уланиш учун рухсатнома олишга ойлаб вақт кетган. Бундай камчиликлар Қарши шаҳри, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Миришкор туманларида учрамоқда.

Савол-жавобга жалб этилган тадбиркорларнинг маълум қилишларича, 2123 ҳолатда таъмагирликка дуч келишган. Давлат рўйхатидан ўтиш, муҳр ва штамп ясатиш, ер ажратиш, солиқ идораларига ҳисобот топшириш, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ёнғинга қарши кураш, электр назорати, лицензия, турғун савдо жойи олиш йўлидаги сарсон-саргардонликни гапирмаса ҳам бўлади. Деҳқонобод, Яккабоғ, Миришкор туманлари ва Қарши шаҳрида ноқонуний текширишлар кўплаб ўтказилган.

Маъмурий буйруқбозлик амалиёти қаердадир сақланиб қолинаяпти. Ҳомийлик ёрдамларига жалб қилиниши туфайли тадбиркорлардан 200 нафари 10 минг сўмдан 5 миллион сўмгача зарар кўришган.

Тегишли ташкилотлар билан тузилган шартномалар муддатида бажарилмаяпти. 383 ҳолатда пахта тозалаш заводлари, «Дон маҳсулотлари», «Ёғ экстракция», пилла қабул қилиш, «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналари, МТПлар, консерва заводлари, ширкат хўжаликлари ва уюшмалари шартнома мажбуриятларини вақтида адо этмасдан кичик ва ўрта бизнес субъектлари манфаатларига зарар етказишган. 77 нафар тадбиркор шартномага зид равишда етиштирилган ҳосил мажбурий равишда олиб қўйилганлигини ёзади. Уларнинг айримлари тайёрлов корхоналаридан ўзларига тегишли маҳсулотларни ололмасдан сарсон. Масалан, ғузорлик фермер Эрназар Ҳасанов 200 килограмм пахта ёғи, 1.5 тонна шрот ва 800 килограмм шелухани вақтида ололмаган.

Буйруқбозлик, тақсимотчилик, тадбиркорларнинг ишларига ноқонуний аралашиш иқтисодиётга катта зарар келтиради. Мулкдорнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш эса меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш, моддий манфаатдорликни ошириш, одамлар кайфиятини кўтариш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини беради.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

*«Ишонч» фош этади*

# ҲАҚЛИ ТАЛАБ

## Бухорода тиббиёт ходимларига иш ҳақи тўловлари нега кечикаётир?

***Қўлимизда ярим энлик хат. Уни ёш шифокорлардан бири ёзган.***

***«Катта орзу-умидлар билан эл саломатлигини муҳофаза этишдек хайрли, айни чоғда олижаноб касбнинг этагини тутдим. Институтда олган назарий билимларим жуда қўл келаётир. Кўз очиб-юмгунча 3 ой ҳам ўтиб кетди. Ҳар куни туман марказидаги шифохонага келиб-кетиш, тушлик қилиш, рўзғорга у-бу нарса олиш учун пул керак, албатта. Аммо қани эди, ойлик маошдан дарак бўлса. Кунда бир баҳона тайёр: ҳисобда маблағ йўқ, банкда нақд пул масаласи чатоқ ва ҳоказо.***

Бизни етти йил институтда ўқитган ота-онамизга ишлаб туриб ҳам «юк» бўлсак-а! Одамга алам қилар экан. Ваъдалар қачонгача давом этади? Соғлиқни сақлаш муассасаси билан банк, оддий ходимлар билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномаси қайда қолди? Унинг ижросини ким таъминлаши керак?

Беихтиёр ўйга толасан киши. Бу қанақаси бўлди? Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир ҳукумат қарорлари, вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармасининг қатор кўрсатма ва буйруқлари бўлса-ю, белгиланган қўшимча чора-тадбирлар ижроси тўла-тўкис таъминланмаса?"

Мактуб вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг тармоқ қўмитаси сари етаклади. Қўмита раиси Шавкат Султонов ёзув-чизув билан банд экан. Мақсадимизни тушунтирдик. Раис асабийлашган ҳолда ўз кечинмаларини баён қилишга тушди.

– Шофиркон туманидан келаяпман. Умумий қарздорлик 46,7 миллион сўмга етган. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири. Апрел ойининг бошида вилоят тиббиёт профилактика муассасалари масъул ходимларини берган маълумотларига кўра, тармоқда иш ҳақидан қарздорлик 273 миллион сўмдан ошиб кетибди. Шофиркондан сўнг Олот ва Ғиждувон туманлари кейинги «фахрли» ўринларни «ишғол» этиб турибдилар.

Ғиждувон туманида иш ҳақидан қарздорлик 36,3 миллион сўмни ташкил этса, Қоракўлда бу кўрсаткич 36,2, Тез тиббий шошилинч ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида эса 29 миллион сўмга етган.

Текшириш куни Шофирконда пенсия тўловларидан 2,5 миллион сўм қарз мавжудлиги маълум бўлди. Икки ёшгача боласи бор бўлган аёлларга тўланиши керак бўлган нафақа салмоғи 5 миллион сўм, касаллик варақалари учун тўланмай келинаётган маблағ миқдори эса 2,5 миллион сўмдан ошиб кетганлигига нима дейсиз?

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА

Вилоятнинг тўқсон беш минг гектар суғориладиган майдонидаги ғалланинг қарийб ўттиз минг гектаридаги ҳосил ўриб-янчиб олинди.

Вилоят далаларида жами 135 «Кейс» ғалла ўрмоқда. Уларнинг кунлик ўртача иш унумдорлиги 19 гектарга тўғри келяпти. Жарқўрғон ва Термиз тумани ғаллакорлари, одатдагидек, бу йил ҳам ўрим-йиғимда пешқадамлик қилмоқда. Шу кунгача Жарқўрғондаги олти ширкат хўжалиги давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди. Ушбу хўжаликларда ҳали буғдойига ўроқ тушмаган майдонлар анча.

(ЎзА)



Зарафшон шаҳридаги Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли заргарлик корхонаси маҳсулотларига бугунги кунда қатор давлатлардаги йирик фирма ва ташкилотлардан талабгорлар ортиб бормоқда. Айни дамда бу ерда ишлаб чиқарилаётган заргарлик буюмлари жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида иш юритадиган асбоб-ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада тинимсиз равишда янги технологик жараёнлар ва маҳсулотнинг янги турларини амалиётга татбиқ этиш борасида иш олиб борилмоқда.

**Суратда: қолипчилар Оксана Железяк ва Альфия Олейник.**

**Ш.ЗУФАРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ: меҳнат шартлари дейилганда нималар тушунилади? Бу шартлар ходимнинг меҳнат қилиши давомида иш берувчи томонидан ўзгартирилиши мумкинми ва бу ҳолларда иш берувчи қонуннинг қандай талабларига аҳамият бериши зарур ҳамда ходимни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда унга қандай кафолатлар берилган?**

**Р.НУРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси**

**ЖАВОБ:** амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви ҳамда қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги ўзаро келишувдир.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда икки нусхада тузилиб, улар иш берувчида ва ходимда сақланади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг келишуви билан қуйидагилар белгиланиши зарур:

– иш жойи (корхона, муассаса ёки уларнинг бўлинмаси);
– ходимнинг мутахассислиги, малакаси, лавозими;
– ишнинг бошланиш куни;
– меҳнат шартномаси маълум бир муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати (Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабига тўлиқ амал қилинган ҳолда);
– меҳнат ҳақи миқдори (разряд);
– асосий ва қўшимча таътиллар муддати;
– синов муддати;
– иш куни режими (тўлиқсиз иш куни ва ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбой иш, иш кунининг бошланиши ва тамом бўлиши, сменали иш ва бошқалар)

Меҳнат Кодексининг 88-моддасига биноан меҳнат шартлари дейилганда меҳнатни амалга оширишга асос бўладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг барчаси тушунилади.

**БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**

Ижтимоий омилларга меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, иш вақтининг давомийлиги, таътиллар ва бошқа шартлар киради.

Ишлаб чиқариш омиллари дейилганда эса меҳнатнинг техникавий санитария, гигиена, ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа шартлари тушунилади.

Кўрсатиб ўтилган меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади, яъни тарафларнинг келишуви меҳнат шартларини ўзгартирилишига асос бўла олади.

Меҳнат шартларини меҳнат шартномаси тарафларидан бирининг талабига мувофиқ ўзгартирилишига йўл қўйиладиган ҳоллар Меҳнат Кодексининг 89- ва 90-моддалари билан белгилаб қўйилган.

Меҳнат Кодексининг 89-моддасига асосан иш берувчи технологиядаги, ишлаб чиқаришдаги ва меҳнатни ташкил этишдаги ёхуд ходимлар сонини ёки ишлар характерини ўзгаришига олиб келган иш (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолллардагина меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақлидир.

Лекин иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар тўғрисида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда имзо чектириб огоҳлантириши шарт. Бу огоҳлантириш муддатини қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этган ходим билан меҳнат муносабатлари Меҳнат Кодексининг 89-моддаси тўртинчи қисмига асосан янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин. Бу иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш турига кирмайди. Чунки бу ходимнинг қарори, хоҳиши билан амалга оширилган. Шу сабабли бу ўринда олдиндан касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди ва бундай розиликни олиш жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида белгиланган бўлса, у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат Кодексининг 89-моддаси тўртинчи қисми билан меҳнат муносабатлари бекор қилинганида МКнинг 109-моддасига асосан ходимга камида бир ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши зарур. Бундан ташқари, МКнинг 67-моддасига биноан янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни истамаганлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганида, иш қидириш даврида — икки ойдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобланади. Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг 10 календар кун ичида маҳаллий меҳнат органига иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, у маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотнома асосида аввалги иш жойидан учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ходимни ишдан озод қилингандан сўнг иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаганда иккинчи ва учинчи ойлар учун ўртача иш ҳақини олиш учун аввалги иш жойига келганда ариза билан мурожаат қилиши ҳамда паспорт ва меҳнат дафтарчасини кўрсатиши зарур.


Юртимиз ғаллакорлари, деҳқонлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

*Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади*

*Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.*
*Хирмонингиз баракали бўлсин азиз юртдошлар!*
*«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!*


# ИНФОРМАЦИЯ

## *о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО «Турон санаторийси»*

**Порядковый номер сообщения-09.**

**Решение общего собрания акционеров.**

Вид общего собрания: годовое.

Дата закрытия реестра: 30 апреля 2003 года.

Форма проведения общего собрания: очная.

Дата проведения общего собрания: 30 мая 2003 года.

Место проведения общего собрания: г. Ташкент, ул. Устабаева 159

Кворум общего собрания: 99.1% голосов, в собрании приняли участие акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности 721 824 голоса.

**Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:**

1. Утверждение отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год.

(проголосовали: **за** – 721 824 голосов или 100 %, против - нет , воздержавшихся -нет )

2.Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2002 год.

(проголосовали: **за** –721 824 голосов или 100 %, против - нет, воздержавшихся - нет)

3. Утверждение аудиторского заключения и отчета ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Турон санаторийси» за 2002 год„ утверждение аудитора на 2003 год.

(проголосовали: **за** –721 824 голосов или 100 %, против -нет, воздержавшихся - нет)

4.Утверждение распределения прибыли за 2002 год:

5 % - в резервный фонд общества , остальную часть прибыли – на строительство административного здания ( проголосовали: **за** –721 824 голосов или 100 % , против - нет, воздержавшихся - нет)

5.Утверждение бизнес-плана на 2003 год.

( проголосовали: **за** - 721 824 голоса или 100 %, против -нет, воздержавшихся -нет)

6.Утверждение Устава в новой редакции.

(проголосовали: **за** –721 824 голосов или 100 %, против - нет, воздержавшихся -нет )

7.Утверждение Положений об Общем собрании, о Наблюдательном совете и исполнительном органе.

(проголосовали: **за** – 721 824 голосов или 100 %, против -нет, воздержавшихся -нет)

8.Выборы Наблюдательного совета:

1. Джахангирова Дильбар Набиевна (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)
2. Юлдашев Акмаль Ахмеджанович (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)
3. Кодиров Зоиржон Эсонович (проголосовали **за**- 721 824 голосов)
4. Акбаров Носир Акбарович (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)
5. Одилова Мамура Вахобовна (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)
6. Зияев Мамур Нишанович (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)
7. Назруллаева Сакина Амануллаевна (проголосовали: **за**- 721 824 голосов)

9. Выборы Председателя Правления общества – Газиев Абдувакил Самукович

(проголосовали: **за** - 721 824 голоса или 100 %, против -нет, воздержавшихся -нет )

10. Выборы ревизионной комиссии:

1.Ишонхонова Нигора Носировна

(проголосовали: **за**-721 506 голосов или 100 %, против- нет, воздержавшихся- нет )

2.Юсупалиева Барно Хикматовна

(проголосовали: **за**-721 506 голосов или 100 %, против- нет, воздержавшихся- нет)

3.Асадов Ашур Эсонович

(проголосовали: **за**- 721 506 голосов или 100 %, против- нет, воздержавшихся-нет )

11. Вознаграждение членов Наблюдательного совета.

(проголосовали: **за** – 718 110 голосов или 99,5 %, против –3714 голосов, воздержавшихся - нет )

**Полные формулировки решений, принятых общим собранием.**

**По первому вопросу**: Утвердить отчет по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год.

**По второму вопросу:** Утвердить годовой отчет, бухгалтерский баланс, счета прибылей и убытков за 2002 год.

**По третьему вопросу:** Утвердить аудиторское заключение и отчет ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Турон санаторийси» за 2002 год, аудитором общества ОАО «Турон санаторийси» на 2003 год утвердить аудиторскую фирму ООО «VOJIB-AUDIT».

**По четвертому вопросу:** Утвердить распределение прибыли за 2002 год:

5 % - в резервный фонд общества, остальную часть прибыли – на строительство нового административного здания .

**По пятому вопросу:** Утвердить бизнес-план ОАО «Турон санаторийси» на 2003 год.

**По шестому вопросу:** Утвердить Устав в новой редакции.

**По седьмому вопросу:** Утвердить Положения об Общем собрании, о Наблюдательном совете и исполнительном органе.

**По восьмому вопросу:** Считать избранными в состав Наблюдательного совета.

Джахангирова Д.Н., Юлдашев А.А., Кодиров З.Э., Акбаров Н.А., Одилова М.В., Зияев М.Н., Назруллаева С.А.

**По девятому вопросу:** Председателем Правления ОАО «Турон санаторийси» избрать Газиева Абдувакила Самуковича, заключить с ним трудовой договор о найме.

**По десятому вопросу:** Считать избранными в состав ревизионной комиссии:

Ишонхонова Н.Н., Юсупалиева Б.Х., Асадов А.Э.

**По одиннадцатому вопросу:** Вознаграждение членов Наблюдательного совета за 2002 год не осуществлять, а в дальнейшем вознаграждение производить в зависимости от эффективности деятельности общества..

***Порядковый номер сообщения-10.***

**Изменения в персональном составе должностных лиц:**

**Решением годового общего собрания акционеров ОАО «Турон санаторийси» от 30.05.2003 г.**:

прекращены полномочия членов Наблюдательного совета: Джахангирова Дильбар Набиевна, Юлдашев Акмаль Ахмеджанович, Кодиров Зоиржон Эсонович, Султанов Журат Давлатович, Зияев Мамур Нишанович, Акбаров Носир Акбарович, Цой Эллоиза Андреевна.

избраны в состав Наблюдательного совета: Джахангирова Дильбар Набиевна, Юлдашев Акмаль Ахмеджанович, Кодиров Зоиржон Эсонович, Акбаров Носир Акбарович, Одилова Мамура Вахобовна, Зияев Мамур Нишанович, Назруллаева Сакина Амануллаевна.

Решением годового общего собрания акционеров ОАО «Турон санаторийси» от 30.05.2003 г.:

прекращены полномочия Председателя Правления Юнусова Мирабзала Махмудовича.

избран Председателем Правления: Газиев Абдувакил Самукович.

Решением Наблюдательного совета ОАО «Турон санаторийси» от 12 мая 2003 г.:

прекращены полномочия членов Правления: Аблямитова Дильдора Абдурахимовна, Мансуров Карим Абдукаюмович, Мавлянов Шамурат Курбаналиевич.

избраны в состав Правления: Аблямитова Дильдора Абдурахимовна, Ибрагимов Равшан Реимбергенович, Мавлянов Шамурат Курбаналиевич.

Решением годового общего собрания акционеров ОАО «Турон санаторийси» от 30.05.2003 г.:

прекращены полномочия членов ревизионной комиссии- Верещагина Раиса Рахматуллаевна, Нурманов Руйиддин Сагдуллаевич, Ергешева Гузаль Исламовна

избраны в состав ревизионной комиссии : Ишонхонова Нигора Носировна, Юсупалиева Барно Хикматовна, Асадов Ашур Эсонович.

**Список аффилированных лиц ОАО «Турон санаторийси»**

**Юридические лица:**

| №/№ | Полное наименование | Организационно – правовая форма | Место нахождения и почтовый адрес | Основание по которому они являются аффилированными лицами. | Дата, с которой Они являются аффилированными лицами. | Принадлежащие им количество и % акций. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Управление курортами при СФП Узбекистана | Общественная организация ИНН 201053498 | 700165, г.Ташкент, ул.Бухара 24 | Договор доверительного управления б/н | 17 февраля 2003 г. | 705913 акций или 96,92 % |

**Физические лица:**

| №/№ | Фамилия, имя, отчество. | Должность | Занимаемая должность в органах управления ОАО «Турон санаторийси» | Основание по которому они являются аффилированными лицами | Дата, с которой они являются аффилированными лицами | Принадлежащие им кол-во и % голос, акций |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Джахангирова Дильбар Набиевна | Председатель Совета Федерации профсоюзов Узбекистана | Председатель Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | 50 акций или 0,006 % |
| 2. | Юлдашев Акмаль Ахмеджанович | Начальник Управления курортами | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | нет |
| 3. | Кодиров Зоиржон Эсонович | Председатель ЦК народнога образования | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003г. | нет |
| 4. | Акбаров Носир Акбарович | Председатель Сырдарьинского Облсовпрофа | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | нет |
| 5. | Одилова Мамура Вахабовна | Председатель ЦК работников легкой, мебельной промышл. | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | Нет |
| 6. | Зияев Мамур Нишанович | Зав.отделом учета и управления имуществом СФП Руз | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | 30 акций или 0,004 % |
| 7. | Назруллаева Сакина Амануллаевна | Директор ООО «Хакима» | Член Наблюдательного совета | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | Нет |
| 8. | Газиев Абдувакил Самукович | Главный врач | Председатель Правления | Решение Общего собрания акционеров, протокол № 1 | 30 мая 2003 г. | Нет |
| 9. | Ибрагимов Равшан Реимбергенович | Главный бухгалтер | Член Правления | Решение Наблюдательного совета | 12 мая 2003 г. | Нет |
| 10. | Аблямитова Дильдора Абдурахимовна | Зам,главного врача по лечебной части | Член Правления | Решение Наблюдательного совета | 12 мая 2003 г. | 238 акций или 0,03 % |
| 11. | Мавлянов Шамурат Курбаналиевич | Зам.главного врача по хозяйственной части | Член Правления | Решение Наблюдательного совета | 12 мая 2003 г. | Нет |

***Шундай одамлар бўладики, бир қарашингиздаёқ тонгда очилган атиргулдек ярқ этиб кўзга ташланади. Таниқли каратэ устаси Аюбхон Тошбоевнинг ўнлаб шогирдларидан бири Гулбаҳор Дадабоевани кўрганимда ҳар сафар шундай хулосага келаман.***

*Фахр*

# ТАТАМИ МАЛИКАСИ

Бу воқеага икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Давлатобод туманидаги «Навбаҳор» ўйингоҳида ўтказилган спартакиадага таклиф этишди. Спортнинг кўпчилик турлари бўйича куч синашувлар ғоят қизиқарли ўтди. Менда айниқса, ёшлар, тўғрироғи, мактаб ўқувчиларининг беллашувлари катта таассурот қолдирди.

Тан олиш жоизки, вилоятда сўнгги йилларда спорт чинакамига тараққий этмоқда. Бирон туман маркази ёки шаҳар йўққи, теннис корти, замонавий воситалар билан жиҳозланган ўйингоҳлар қурилмаган бўлсин. Ҳозирда бундай иншоотлар қатор жамоа хўжаликлари ва саноат корхоналари қошида ҳам барпо этилаётир. Наманганнинг 2002 йил якунлари бўйича спорт энг ривожланган вилоят сифатида тан олинганлиги ҳам бежиз эмас.

Хуллас, «Навбаҳор» ўйингоҳида ўтказилган ана шу беллашувлар чоғида спорт мустақил мамлакатимиз ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигига яна бир карра ишончим ортди. Хусусан, улар орасида шарқона яккама-якка курашнинг тенгсиз намойиши саналган каратэга қизлар ҳам ихлос қўяётганликлари кўплар қатори менда ҳам фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Ўшанда Гулбаҳор Дадабоеванинг чаққон ҳаракатларини, кўз илғаб илғамайдиган, яшин тезлигидаги услубларини кўриб маҳаллий қизларимиз орасидан ҳам шундай спортчилар чиқаётганлигидан бошим осмонга етди.

— Оёқлари остига пружина қўйилгандек сакрайди-я! - деган сўзлар оғзимдан чиқиб кетди.

Аюбхон нигоҳини татамидан узмаган ҳолда жавоб қилди:

— Гулбаҳор энг умидли каратэчи қизларимиздан. Келажаги порлоқ. Ҳали эшитиб қоласиз у эришган ютуқларни, - дея жавоб қилди.

Қиз устози билдирган умидларни оқлади. Татамида чиққанига беш йил тўлаётган Гулбаҳор иккинчи уринишдаёқ тенгдошлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони унвонига эришди.2000 ва 2001 йилларда мамлакатимиз биринчилигининг ғолиби сифатида тан олинди. Ўтган йилги чемпионатнинг финал учрашувида эса кутилмаганда ютқазиб қўйган қиз кумуш медал билан кифояланишга мажбур бўлди.

Аммо Гулбаҳор иккиланмади. Устози раҳбарлигида каратэнинг нозик усулларини тинмай сайқаллаштирди ва ярим финалда тошкентлик дугонасини 5:0 ҳисобида енгиб финалга чиқди. Шуниси эътиборлики, чемпионлик учун бўладиган «жанг»да дугонаси, жамоадоши Зоҳида Каримова Гулбаҳорга рақиблик қилди. Ҳар иккала спортчи қиз ўртасидаги якунловчи баҳс жуда муросасиз кечди. Гулбаҳорнинг тажрибаси қўл келиб 4:2 ҳисобида ютуққа эришди ва олтин медал билан тақдирланди. Шундай қилиб, Гулбаҳор эндиликда ўз тенгдошлари ўртасида мамлакатнинг уч карра чемпионидир. Наманган шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Дадабоеванинг навбатдаги орзуси хориж мамлакатларидаги тенгдошлари билан куч синашишдир.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ...



Чақалоқнинг йиғи овози хонани тўлдирди. Бир қанча вақт дард билан курашган онанинг ҳам, дояларнинг ҳам юзларига ним табассум ёйилди.

- Бахти бутун, умри узун йигит бўлсин, - деди шифокорлар чақалоқни қўлига олишаркан. Унинг юрак уришини текширишгач, тарозига қўйишди. – Тўрт кило, кўз тегмасин, полвон бўлиб ўссин!

Бу Қўшкўпир марказий касалхонасининг акушерлик мажмуаси физиологик туғруқ бўлимида ҳар кунги табиий ҳолатлардан бири. Мажмуанинг соғломлаштириш, туғишга тайёрлаш, апсервация ҳамда яқинда ташкил этилган жонлантириш бўлимлари акушер ва ҳамширалари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида астойдил хизмат қилишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида бу ерда 1050 нафар чақалоқ дунёга келди. Энг асосийси, туғруқхона жамоаси соғлом онадан соғлом бола туғилишини тўғри англаган ҳолда хотин-қизлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида эса Бутунжаҳон Юнисеф ташкилотининг темир моддаларга бой дори- дармонларидан тарқатилмоқда. Дарвоқе, мажмуанинг дори-дармонлар билан таъминланиши 84-86 фоизни ташкил этади.

Бўлим бошлиғи Рўзимат Саидов, олий тоифали шифокор Гулсара Иброҳимова, Бону Абдушарипова, Рўзахон Иброҳимова ва ҳамшира Рўзахон Ҳасановалар чақалоқларни соғлом туғилишларига ўзларини масъул деб билиб, уларнинг табиий шароитга мослашувини мунтазам кузатиб боришяпти.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Америка халқаро ривожланиш агентлиги томонидан тайёрланган Каунтерпарт Консорциум дастури бўйича атроф-муҳит софлигига доир қатор илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Ана шу лойиҳа асосида «Атроф-муҳит ва биз» деб номланган экологик алифбо китоби ҳам босмадан чиқди.

## АТРОФ-МУҲИТ ВА БИЗ

Ўзбек тилида яқинда чоп этилган бу нашр бундан бир йил аввал Москвада рус тилида босилган эди. Уни ўзбек тилига таржима қилиш ва босмага тайёрлаш ишлари Америка халқаро ривожлантириш агентлиги ҳомийлигида халқаро «Контакт» жамғармаси томонидан амалга оширилди.

Ушбу китоб Ўзбекистон мактабларида экологик таълим бўйича олиб борилаётган синфдан ташқари машғулотлар учун тавсия этилди.

**У.ЁДГОРОВ**

***Мактаб билан боғлиқ хотиралар ҳаммамиз учун жуда ардоқли. Шу боис мактаб йилларининг воқеалари вақт ўтгани сайин қайта-қайта ёдга тушаверади. Мактаб ҳовлисидаги хайрлашув йиғини, қатор саф тортган йигит-қизлар, сўнгги қўнғироқ, устозларнинг эзгу тилаклари, ўқувчиларнинг эҳтиром туйғуси ила жаранглаган сўзлари...***

*Дўст ачитиб гапиради*

# ҚОҒОЗГА ЎРАЛГАН «ҲУРМАТ»

## ёхуд мактабни битириш кечасидаги ҳангомалар

Ўшанда мактабдаги хайрлашувдан кейин биз бир синфдошимизнинг уйида тўпланишганимиз, камтарона ёзилган дастурхон атрофида бир неча соат гурунглашганимиз, келажак режалари хусусида бир-биримизга сўзлаб, шу аснода ўқувчилик даврида бўлиб ўтган айрим тушунмовчиликлар учун бир-биримиздан узр сўраганларимиз ҳали-ҳали эсимда.

Мен бир даврада шунга ўхшаш воқеаларни ёнимдагиларга сўзлаб берганимда улардан бири «Сиз ҳозирги битирувчиларнинг қанақа кечалар уюштиришини билмайсиз-да!» дегандек гап қилди. Бошқа бири эса «Ўғил ё қизи мактабни тугатаётган ота-оналарнинг кўпчилиги «болам мендан қанча пул сўраркан?» деган ўйда ҳозирданоқ юраги пўкиллаб турибди» деди. Хаёлимга оғриқли фикрлар келди: «Битирув оқшомлари қандай ўтаётганини мен ҳам биламан. Очиқроғи, бу кунни ҳар бир киши билади. Лекин негадир ҳаммамиз бунга жуда лоқайдмиз, холос...»

Ўзим эшитган, баъзан гувоҳи бўлган воқеалар бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади.

### СЮРПРИЗ – «ЛИМУЗИН»

Битирув оқшоми «Бахт» кафесида ўтказиладиган бўлди. Бунга ҳали уч-тўрт кун бор...

Эртасига синф етакчиси янги гап топиб келди.

– Болалар, йиққан пулимиз зиёфатнинг ўзигагина етади. Яна оз-оздан тўплашимиз керак. Сабабини айтайми? Куратор (синф раҳбари)га бир сюрприз тайёрлаймиз. Қулоқ солинглар. Зиёфат бошланишидан ярим соатча аввал ўқитувчининг уйи олдига битта «Лимузин» юборамиз. Ўқитувчимиз кафега шу машинада келади!

– Э, шу шартмиди? - деди кимдир.

Бироқ синф етакчиси ўзини эшитмаганга олиб, гапида давом этди:

– «Лимузин»ни гаплашдим. Муаллимни кафегача олиб бориш эллик минг, сўнг уйигача олибориб қўйишга яна эллик минг беришимиз керак экан.

Бу гал ҳеч ким «чурқ» этмади. Ҳар бир бола ўзича хаёл сурарди: «Ўқитувчини муносиб тарзда ҳурматлаш яхшику-я, лекин «Лимузин» деганлари... Ота-онамизга буни қандай айтамиз?»

### ҚИММАТБАҲО ЗИРАК

#### У «арзимас совға»ми?

Ўша куни болалар синф ичида йиғилишиб, битириш кечасида ўқитувчига нима совға қилиш ҳақида узоқ бош қотиришди. «Гилам олайлик» деди қизлардан бири.

– Йўқ, ўтган йили битирганлар гилам совға қилишган, биз ўзимиз бошқа бир тузукроқ буюм ҳақида ўйлаб кўрайлик, - деди йигитлардан бири таклиф киритиб.

«Тузукроқ буюм»... У нима? Ахийри ўзаро келишиб, бир жуфт тилла зирак оладиган бўлдилар. Тилла буюмларнинг баҳоси қанча? Арзигуликлари юз минг сўмча туради. Синфда эса атиги ўттиз бешта бола. Демак, зирак учун йиғиладиган пул шуларга тақсимланади-да!

Қизлар бир-бирига маъноли қараб олишди. Тилла зиракка пул тўлаш билан иш битса майлийди-я. Ҳали кеча учун кийиладиган кўйлак топиш керак. Ижарага олишади, албатта. Лекин ҳар бир кўйлакнинг бир неча соатлик ижара «хизмати» ўттиз-қирқ минг сўмга баҳоланади. Бунинг устига шу кўйлакка мос туфли, тақинчоқ дегандай... Сочларни ҳам турмаклатиш учун сартарошхонага бориш зарур. У ҳам фалон пул...

Хуллас, даврага оғир жимлик чўкди. Бироқ совға олиш керакми, керак! Синфбоши Наргизага тайинлади:

– Сен сўзга устароқсан. Айни давра қизиган пайтда ўртага чиқиб ҳаммамизнинг номимиздан яхши гаплар айтасан. Сўнг «сизга арзимас совғамиз бор» деб қулоқларига тилла зиракни тақиб қўясан, хўпми?

Наргиза бош ирғади. Бошқа нимаям дерди?

### АВТОБУСДАГИ ЎҒРИЛИК...

Синфда ўқитувчига совға олиш ҳақида турли гап-сўзлар қўзғалганда синфбоши «Хоҳламаганлар қўшилмасин, бу мажбурий эмас» деб суҳбатга якун ясади. Ўқувчилар орасида бир камсуқум йигит ҳам бор эди. У ўша куни уйига қайтаркан, синфбошининг гапини ўзича мулоҳаза қилди. Мен нима қилсам экан-а, дея боши қотди. Ахир одам умрида бир марта мактабни битиради. Мана шу хайрлашув кечаси ўтса бас, кейин ҳаммаси ҳар ёққа тарқаб кетади. Демак, йиғинда иштирок этиш жудаям зарур. Аммо, пул йиғиш масаласи...

Аксига олиб, отаси анчадан бери касалхонада, онаси рўзғордан орттирган пулини тўплаб, кеча касалхонага ташлаб келди. Врачлар ёзиб берган дорилар қиммат эмиш! Борди-ю бу кечага қатнашмай қўя қолса-чи? У ҳолда «Битирув кечасига пул тополмагани учун келолмади» деган маломатга қолмасмикин? Кейин синфдошлари бу нарсани доим эслаб гапириб юришади. Шуниси ёмон-да...

Йигит автобусда кетаётиб ҳам фақат шу ҳақда ўйларди. Унинг ёнида кексароқ бир аёл тик туриб борар, зил-замбил иккита сумкасини ерга қўйиб қўллари билан ўриндиқ тутқичини ушлаб олганди. Шу сумкаларнинг бирида каттагина ҳамённинг чети кўриниб турарди. Йигит ҳалиги ҳамёнга тикилиб қолди. «Олсаммикина? Зиёфатнинг пулини тўлардиму, сўнг ўртоқларим қаторида бошимни баланд кўтариб кафега кириб борардим. Нима бўпти, бир мартагина шу ишни қилсам, бошқа ҳеч такрорланмайди, бу...» Шунда у аёлнинг одам кўплигидан сал нарироққа сурилиб қолганини кўрди. «Бечора сумкаларини менга ишониб бемалол кетаётибди. Мен бўлсам...» Йигит умрида бировнинг нарсасига кўз олайтирмаганди. Лекин ҳозир шунга мажбур. Синфдошлари орасида кулгига қолишни истамайди! У шартта эгилиб ҳамённи олди-да эшик томонга қараб илгарилади. Аксига олгандек қизил чироқ ёниб автобус ҳийла вақт туриб қолди. Шунда ҳалиги аёл йигитнинг бошқа томонга ўтиб кетганини кўриб сумкалари ёнига келди. Ҳамёни йўқлигига кўзи тушдими, бирданига чинқириб юборди.

–Ушланглар! У менинг пулимни ўғирлади!

Йигитни олиб кетишди.

– Нега бу ишга қўл урдинг? - дедилар сўроқ пайтида.

Йигит индамади. У ҳозир ўғриликнинг «сабаби»ни ҳеч кимга айтолмасди.

### ТИЛЛА ЗАНЖИРНИ КИМ УЗДИ?

Зиёфат куни ҳам етиб келди. Кафеда дастёрлардан ташқари машҳур ансамбл ижрочилари, бир нечта «видеочи»лар уларнинг хизматида бўлишди. Дастурхон устида нинадек очиқ жой йўқ. Банандан тортиб, Эрондан келтирилган олмаларгача қўйилган. Идишларда ўн хилдан ошиқ махсус тайёрланган салатлар, беш-олти хил «уй» таомлари тортилган. Хуллас, давра зўр ўтди. Табриклар, олқишлар, совға-саломлар... Кечада қатнашган айрим ота-оналар ва ўқитувчиларни уйига кузатиб, санъаткорларни «рози» қилиб, видеочиларнинг жавобини бериб юборишганларида тун ярмилаган эди.

– Тонг отгунча қоламиз, қизлар ҳам кетмасин, бундай кун ҳаётимизда бир маротаба бўлади, - дея таклиф киритди даврабоши.

Ҳамма кўнди. Кимдир магнитафоннинг қулоғини буради. Шўх мусиқа янграб вальс бошланди. Даврадагилар жуфт-жуфт бўлиб ўйинга тушди. Қизларнинг бири «Вой, занжирим узилди» деб қичқириб юборди. Вальс тўхтади. Қизларнинг ҳаммаси тилла занжирни қидира бошладилар.

– Кеннойимники эди, балога қоладиган бўлдим, - деди қиз йиғламоқдан бери бўлиб.

Тилла занжир ҳам топила қолди, у шундоққина оёқ остида ётган экан. Аммо воқеа бу билан тугаб қолмади-да...

Эртасига келинойи қизни етаклаб маҳаллама-маҳалла кезди, кечада йиғилганларнинг бирма-бир сўроққа тутди. «Нима бўлди ўзи, айтинглар?» дея қизларни қийин қистовга олди.

– Йигитлар чироқни ўчириб шам ёқиб қўйишди.

– Нега ундай қилишади?

– Битириш кечасининг одати шу-да. Кейин йигитлар бизларни рақсга таклиф қилишди...

Келинойи қайинсинглиси билан ўйинга тушган йигитга ўшқириб берди:

– Нега маст ҳолда бўла туриб қизларни ярим тундан сўнг олиб қолдинглар?

– Оз-оздан ичувдик, лекин маст эмасдик, - деди йигит бўшашиб.

– Маст бўлмасанг, нега қайинсинглимнинг занжирини уздинг?

– Ўзи узилиб кетди-да.

– Сен бирор қўпол ҳаракат қилгансанки, шундан сўнг узилган!

Хуллас, битириш кечасида юз берган бу воқеа маҳаллаларда анча-мунча гап-сўзларга сабаб бўлди...

### ХУЛОСА ЎРНИДА

... Биз битирув оқшомларидаги нохуш воқеаларнинг ўндан бирини тилга олиб ўтдик, холос. Аслида ўн йил бирга ўқиган синфдошларнинг шунчаки, самимий суҳбатларидан иборат бўладиган хайрлашув даврлари наҳот бугунга келиб бошқача тус олди? Бу оқшом билан боғлиқ харажатлар-чи? Ота-оналар (ҳатто баъзан битирувчиларнинг ўзлари ҳам) бундай ташвишлар олдида чорасиз қолишаётгани рост-ку!

Гала-гала оққушлар каби боғ-хиёбонларни тўлдириб юрган йигит-қизлар ҳаммамизнинг кўзимизни қувонтиради, албатта. «Болаларимиз мактабни битириб катта ҳаётга йўл олишяпти» деб ич-ичимиздан яйраб кетамиз. Бироқ, бу кунни катта харажатлар сарфламасдан ўтказиш ҳам мумкин-ку?! Наҳот ўқитувчига иззат-ҳурматни буюм ўрнида қоғозга ўраб эмас, балки дилдаги энг чиройли сўзлар орқали изҳор этиш мумкин бўлмаса?

Аслида ёшликнинг ўзи оддийлик ва соддаликдир. Оддийлик ва соддаликда эса катта ҳикмат бор. Назаримда, биз шу ҳикматни унутиб қўяётгандекмиз. Очиқроғи, унга бошқача тус бериб, оқибатда ортиқча ташвишларнинг келиб чиқишига ўзимиз сабаб бўлаётгандекмиз. Бирорта ота-она ё бирор ўқитувчи, ҳатто бирорта маҳалла оқсоқоли «ҳалитдан бундай дабдабабозлик сизларга нима учун керак?» демаса ёки кўплашиб бу ҳолнинг олдини олиш чораларини кўришмаса...

Лоқайдлигимиз шунчаликка бориб етган экан, биз болалардан нимани умид қиламиз? Фарзандларимиз мактабни битириш оқшоми билан боғлиқ воқеалардан қай тарзда хулоса чиқаришади? Келгусида ҳаётга, одамларга қандай муносабатда бўладилар?

Шу ҳақда ўйлаб кўрайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## КЎЗИ ОЖИЗЛАР ОРАСИДА МУСОБАҚА

Нукусда "Обод маҳалла" йили ва шаҳарнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан кўзи ожизлар орасида ўтказилган шоҳмот-шашка мусобақасида 30 дан зиёд киши қатнашди.

Мусобақа якунида шоҳмот бўйича Дўстназар Сайитов, шашка бўйича эркаклар орасида Эркебой Сарманов, хотин-қизлар орасида Зебо Тенгизбоева ва Хадича Бахтиёровалар ғолиб бўлди.

Ғолиб ва иштирокчиларга совғалар, республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси дипломлари топширилди.

**"Туркистон-ҳресс"**

# ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

*Ўқинг, бу қизиқ*

***Таниқли олим-педагог, «Фермер ва томорқачи» газетаси бош муҳаррири Аҳмадали Тешабоев қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқончилик бўйича республикага танилган мутахассислардан. У экинлардан мўл ҳосил олиш «сир»лари ҳақида сўзлаб берди:***

– Халқимиз «Ой тўлаётганда эк, қайтаётганда йиғиштир» деб бежиз айтмаган - дейди Аҳмадали Тешабоев. – Биз учун энг яқин бўлган осмон жисми - ойнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини олимларимиз узоқ йиллардан буён ўрганиб келмоқдалар. Ўсимликларнинг суткалик ва ойлик ривожланишига, ҳосилдорлигига ой катта таъсир этади. Масалан, Францияда 1789 йилдан бошлаб ўрмонларни кесишга ой тўлгандан кейин рухсат берилади. Бразилияда эса дарахтларни кўчиришга, айниқса камёб дарахт кўчатларини кўчиришга ой тўлганда киришилади. Кўчатларга ойнинг қайси фазасида кўчирилгани тўғрисида гувоҳнома боғлаб қўйилади. Бу эса кўчатга томир чириш ва бошқа касалликлар таъсир этмаслигини билдиради. Шунга ўхшаш тажрибаларни бизнинг ота-боболаримиз ҳам амалга оширганлар.

Ўсимликларнинг туридан қатъий назар уларни экиш, парваришлаш, йиғиштириб олиш муддатларига эътибор бериш лозим. Зеро, астрологик календар бўйича ўсимликларга ойнинг таъсири жуда катта. Маълумки, ҳижрий-қамарий йил 354 (кабиса йили 355) кеча-кундуздан иборат. Шу сабабли унинг янги йили ҳамиша 11 кун олдин келаверади. Бу ҳодиса 33 йил давомида ҳамма фасл ва ойларни бир сира айланиб чиқади. Яъни, амалдаги шамсия йил ҳисобидан ҳар 33 йилда 11 йил олдинга ўтиб кетади. Шунинг учун ой ўсимликка икки физик механизмда таъсир кўрсатади. Ой орқали таралаётган ёруғлик у тўлаётганда ўсимликларга биологик таъсири кучли бўлса, ой қайтгандан кейин таъсири бошқача бўлади. Бунда ой қайси юлдуз таъсирида бўлишига ҳам боғлиқ. Янги ой чиққанда мевалардаги биологик жараёнлар тормозланади. Ўсимлик гўёки уйқуга кетгандек бўлади. Ой тўлгунга қадар тупроқдаги ҳаётий суюқликлар ўсимлик томиридан тепага қараб кўтарилади. Бу пайтда ўсимликнинг томир системаси кучсиз ривожланади. Аммо поя, барг ва мевалар энергияга тўлишади. Шунинг учун ой тўлган пайтда мевалардаги шарбат энг юқори даражада бўлади. Ой қайтган даврда ўсимликларнинг пояси, шохидаги ҳаётчанлик пасайиб, озиқлар томир системасини тўлдириб қўяди. Шу даврда ўсимликнинг томир системаси максимум даражада кучли бўлганлиги сабабли касалликларга чидамлилиги ва яшовчанлиги юқори бўлади. Ой тўлгунча йиғиштириб олинадиган ҳосилни узоқ сақлаб бўлмайди. Уни тез орада ишлатиб юборилган маъқул. Ой тўлгандан кейин 6-7 кун ўтгач, йиғиштириб олинган ҳосил узоқ сақлашга чидамлидир. Булар асосан сабзавотлардир.

**Суҳбатдош:**
**М.РАҲМАТОВ**

## УЙҚУ ҲАҚИДА ПИЧА

Уйқу – табиат базмининг ажойиб таоми.

**ШЕКСПИР**

Уйқусизлик – туннинг инсонга ҳужумидир.

**В.ГЮГО**

Уйқучанлик ақлни заифлаштиради.

**О.БАЛЬЗАК**

Дам олиш учун уйқу шартдир.

**СЕНЕКА**

Беташвиш кишининг уйқуси ширин бўлади.

**Олтой мақоли**

Оч қолган, совуқ еган ва қўрққан кишида уйқу бўлмайди.

**Араб мақоли**

Виждони пок киши тинч ухлаши мумкин.

**Молдаван мақоли**

Уйқу ўрин танламайди.

**Қозоқ мақоли**

Кўп ухлаш қисқа умр демакдир.

Ухлаб ўтказилган вақт беҳуда умр.

**Япон мақоли**

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгаши вилоят кенгаши давлат ижтимоий суғурта бўлимининг мудири Абдухалим Эшқобиловга волидаи муҳтарамаси

**БИБИНОР** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.*

Тиражи: 17449  Буюртма Г— 373.  1 2 3 4 5 6